

**ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИ КОРХОНАЛАРИНИНГ  
РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ БОШҚАРИШ ДАРАЖАСИНИ АНИҚЛОВЧИ  
БАХОЛАШ УСУЛИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

Рўзимов Баҳромжон Баходиржонович

Андижон давлат университети таянч докторанти

E-mail: bahromjon7174@inbox.ru

Озиқ-овқат саноати корхоналарининг рақобатбардошлигини бошқариш амалиёти самарадорлигини оширишда уни баҳолаш амалиёти муҳим аҳамият касб этади. Озиқ-овқат саноати корхоналарининг рақобатбардошлигини таъминлашда корхонанинг хўжалик фаолияти юритишдан кутилаётган натижалар билан амалда эришилган натижаларни ўзида акс эттирувчи кўрсаткичлар тизимини қиёсий таққослаш амалиёти бошқарувчилар томонидан амалда кенг фойдаланиб келинмоқда.

Озиқ-овқат саноати корхоналари рақобатбардошлигини бошқариш даражасини баҳолаш тизимли жараён сифатида бир қатор таркибий компонентлардан ташкил топган ҳисобланади. Жаҳон амалиёти таҳлиliga кўра, озиқ-овқат саноати корхоналари рақобатбардошлигини бошқариш даражасини баҳолаш услубиётининг базавий компонентлари таркибига баҳолаш объекти, субъекти, баҳолаш услубиётининг илмий асоси ва унинг мантиқи ташкил этади (1-жадвалга қаранг). Бунда аввало баҳолаш объектини тўғри танлаш муҳим аҳамият касб этади. Масалан, жаҳон бозоридаги нуфузли ҳисобланган аксарият озиқ-овқат саноати корхоналари ўз маҳсулотларининг сифат кўрсаткичларига эътиборни қаратган ҳолда, маҳсулот рақобатбардошлигини бошқариш самарадорлигини баҳолаш услубиётидан кенг фойдаланадилар. Жумладан, жаҳон бозорига эндиgina кириб келаётган корхоналар эса аксинча, тактик режаларни қабул қилиш орқали халқаро бозорларга тезроқ кириб бориш билан биргаликда, ушбу бозорда ўз ўрни ва мавқеини яхшилашга қаратилган бошқарув қарорларини қабул қилиш ва уларнинг самарадорлигини баҳолашга устуворлик қаратадилар.

## 1-жадвал

**Озиқ-овқат саноати корхоналарининг рақобатбардошлигини бошқариш даражасини баҳолаш услубиётининг шакллантиришнинг базавий компонентлари<sup>1</sup>**

| Баҳолаш компонентлари                         | Компонентларнинг таркиби                                                                                            |
|-----------------------------------------------|---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| <b>Баҳолаш объекти</b>                        | Хўжалик фаолияти юритаётган озиқ-овқат саноати корхонаси                                                            |
|                                               | Янги ташкил этилаётган озиқ-овқат саноати корхонаси                                                                 |
|                                               | Озиқ-овқат саноати корхонаси томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулот                                                 |
|                                               | Озиқ-овқат саноати корхоналарининг бирлашмалари, жумладан, ҳудудий кластерлар ва ҳ.к.                               |
| <b>Баҳолаш субъекти</b>                       | Озиқ-овқат саноати корхонасининг стейхолдерлари                                                                     |
|                                               | Давлат бошқарув органлари                                                                                           |
|                                               | Озиқ-овқат саноати корхонаси бошқарувчиси, жумладан, қарор қабул қилиш ваколатига эга шахслар (масалан, менежерлар) |
|                                               | Озиқ-овқат саноати тармоғи ва ҳ.к.                                                                                  |
| <b>Баҳолаш услубиётининг илмий асосланиши</b> | Баҳолашни амалга оширишдан кўзланган мақсад ва кутилаётган рағбат/натижа                                            |
|                                               | Баҳолаш хусусияти ва белгилари                                                                                      |
|                                               | Қиймат йўналиши                                                                                                     |
|                                               | Баҳолаш услубиёти натижаларининг ишончилиги ва ҳ.к.                                                                 |
| <b>Баҳолаш амалиёти мантиқи</b>               | Баҳолаш услубиёти таркибининг мантикий тузилиши                                                                     |
|                                               | Баҳолаш услубиётининг мантикий жиҳатдан таркибий тузилишининг ўзаро боғлиқлиги ва ҳ.к.                              |

Озиқ-овқат саноати корхоналарининг рақобатбардошлигини бошқариш даражасини баҳолаш услубиётининг шакллантириш жараёнида баҳолаш объекти сифатида озиқ-овқат саноати корхонасининг ўзи, жумладан, озиқ-овқат саноати корхоналари бирлашмалари, ҳудудий кластерлар танлаб олиниши ҳам мумкин. Бунда корхонанинг рақобатбардошлигини бошқариш жараёнларининг корхона, бирлашмалар ва агрокластерларнинг фаолиятига қай даражада таъсир этаётганлигини аниқлашга эришилади. Яъни, уларнинг озиқ-овқат маҳсулотлари бозорларини қамров даражасининг ортиши, истеъмолчиларнинг ишончини қозониши, корхона брендининг озиқ-овқат маҳсулотлари бозорида ном қозониши каби кўрсаткичлар шулар жумласидандир.

Озиқ-овқат саноати корхоналарининг рақобатбардошлигини бошқариш даражасини баҳолаш услубиётининг шакллантиришда баҳолаш субъекти сифатида корхона бошқарувчиси ёки бошқарув қарорларини қабул қилиш ваколатига эга бўлган

<sup>1</sup> Сутужко В.В. Общенаучные аспекты теории оценки / В.В. Сутужко // Вестник ВолГУ. Серия 7. – 2009. - № 1. – с. 42-46; Федотова М.А. Интеллектуальный капитал организации: управления и оценка: монография / М.А. Федотова, В.А. Дресвянников, О.В. Лосева, Ю.М. Цыгалов. – М.: Финансовый университет, 2014. – 233 с. маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган

менежерлар нуқтаи-назаридан ҳам ёндашиш мумкин бўлади. Бу турдаги ёндашувда бошқарувчи томонидан қабул қилинган қарорларнинг корхона хўжалик фаолияти самарадорлиги, унинг рақобатбардошлиги, корхонанинг озиқ-овқат маҳсулотлари бозоридаги позициясининг яхшиланиши каби жиҳатларни баҳолашга эришилади. Жумладан, ушбу ёндашувда тактик қарорларни қабул қилишнинг устувор йўналишларини аниқлаш мумкин бўлади.

Кейинги босқичда озиқ-овқат саноати корхоналарининг рақобатбардошлигини бошқариш даражасини баҳолаш услубиётини илмий жиҳатдан асослаш лозим бўлади. Бунда баҳолаш услубиётининг объекти ва субъектидан келиб чиққан ҳолда унинг мақсад ва вазифалари аниқланиб, олиниши кутилаётган натижаларга хос бўлган белгилар ва хусусиятлар шакллантирилади. Бу орқали озиқ-овқат саноати корхоналарининг рақобатбардошлигини бошқариш даражасини баҳолаш услубиёти таркибий компонентларининг мантиқий жиҳатдан ўзаро боғлиқлиги таъминланади.

## 2-жадвал Озиқ-овқат саноати корхоналари рақобатбардошлигини бошқариш даражасини баҳолаш услубиётининг тамойиллари ва уларнинг гуруҳланиши<sup>2</sup>

| Озиқ-овқат саноати корхоналари рақобатбардошлигини бошқариш даражасини баҳолаш услубиётининг тамойиллари |                                                               |
|----------------------------------------------------------------------------------------------------------|---------------------------------------------------------------|
| Саноат корхоналари рақобатбардошлигини бошқариш учун хос бўлган умумий тамойиллар                        | Озиқ-овқат саноати тармоғи учун хос бўлган хусусий тамойиллар |
| - тизимлилик                                                                                             | - индивидуаллилик                                             |
| - изчиллилик                                                                                             |                                                               |
| - танлаб олинган ёндашувларнинг умумийлиги                                                               |                                                               |
| - узлуксизлик                                                                                            | - мослашувчанлик                                              |
| - индикативлик                                                                                           |                                                               |
| - дисперсион / кўп вариантлилик                                                                          |                                                               |

Фикримизча, озиқ-овқат саноати корхоналарини рақобатбардошлигини бошқариш даражасини баҳолаш услубиётининг илмий асосланиши ва унинг мантиқий жиҳатлари қуйидаги умумий тамойиллар (2-жадвалга қаранг) асосида шакллантирилиши лозим, деб ҳисоблаймиз:

-тизимлилик тамойили – бунда озиқ-овқат саноати корхонаси рақобатбардошлиги даражасини бошқариш амалиётига таъсир кўрсатувчи ички ва ташқи омиллар, бошқарувни амалга ошириш жараёнидаги турли қарама-қаршиликларни тўлиқ, комплекс тарзда инобатга олинишини назарда тутилади;

<sup>2</sup> Муаллиф томонидан тузилган

-изчиллилик тамойили – бунда озиқ-овқат саноати корхоналарининг рақобатбардошлиги даражасини тавсифловчи кўрсаткичлари, жумладан, унинг рақобат курашидаги устунликлари ва заиф жиҳатларини ягона кўрсаткич кўрсаткичлар тизимида ифодаланиши лозим бўлади;

-танлаб олинган ёндашувларнинг умумийлиги тамойили – ушбу тамойил озиқ-овқат саноати корхоналари рақобатбардошлигини бошқариш даражасини баҳолашда асос сифатида танланган услубий ёндашувларнинг ўзаро боғлиқлиги ва бир бутунлигини таъминланишини назарда тутди;

-узлуксизлик тамойили – саноат корхоналари рақобатбардошлигини бошқариш даражасини баҳолашни амалга оширувчи субъектларга корхонанинг рақобатбардошлиги даражасидаги ўзгаришларни ўз вақтида аниқлаш ва уларни самарали ҳал этишга қаратилган бошқарув қарорларини қабул қилиш имконини беради;

-индикативлик тамойили – озиқ-овқат саноати корхоналарининг рақобатбардошлиги даражасини баҳолаш натижасида олинган хулосалар бўйича соҳа экспертлари томонидан ишлаб чиқилган амалий тавсияларнинг маслаҳат характерида эканлиги. Ушбу тамойилни қўллашдан мақсад мамлакатимиз амалиётида нафақат озиқ-овқат саноати, балки саноатнинг бошқа тармоқларида хўжалик фаолияти юритаётган корхоналар бошқаруви амалиёти билан илм-фан соҳаси ўртасидаги ўзаро алоқадорликнинг мавжуд эмаслигини инобатга олган ҳолда, амалиётдан келиб чиққан ҳолда бошқарув қарорларини қабул қилиш лозимлиги зарурлигини аниқлатади;

-дисперсион ёки кўп вариантлик тамойили – бунда корхона рақобатбардошлигини бошқариш даражасини баҳолаш натижаларининг турли вариантлари ва уни такомиллаштиришнинг муқобил сценарияларидан фойдаланиш имкониятлари бўйича тутишли хулосаларга келиш имконияти мавжуд бўлиши лозимлиги назарда тутилади;

-ривожланиш тамойили– озиқ-овқат саноати корхонаси рақобатбардошлигини бошқариш даражасини баҳолашда амалга оширилган ҳисоб-китоблар келажақда бозор конъюнктурасидаги кутилаётган ўзгаришлар, маҳсулотларнинг сифат жиҳатдан такомиллашуви, рақобатчиларнинг ривожланиш кўрсаткичларини инобатга олган ҳолда амалга оширилиши лозимлигини аниқлатади.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Рўзимов Б. Б. Озиқ-овқат саноат корхоналарининг рақобатбардошлик даражаси таҳлили. // “Иқтисодиёт ва таълим”, Илмий электрон журнал, 2022 йил, 1-сон, –Б. 270-277. [http://doi.org/10.55439/ECED/vol23\\_iss1/a45](http://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss1/a45)
2. Рўзимов Б. Б. Озиқ-овқат саноати корхоналарида рақобатбардошликни бошқаришнинг назарий жиҳатлари. // “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар”. Илмий электрон журнал, 2022 йил, январь-февраль, №00057, –Б. 155-162. <http://iqtisodiyot.tsue.uz>

3. Рўзимов Б. Б. Андижон вилоятида озиқ-овқат саноат корхоналарини бошқарув рақобатбардошлигига таъсир этувчи омиллари таҳлили // “Хоразм маъмун академияси ” ахборотномаси , 2022 йил, №4 -Б. 246-250.
4. Рўзимов Б. Б. Андижон вилоятида озиқ-овқат кластерлари корхоналарининг рақобатбардошлигига таъсир этувчи омиллар. // Iqtisodiyot: tahlillar va prognozlar / 2022 yil 3(18) son, iyul-sentyabr, -В. 99-106.
5. Рўзимов Б. Б. Озиқ-овқат саноати корхоналари рақобатбардошлигини бошқариш тамойиллари. // “Замонавий дунёда инновацион тадқиқотлар: Назария ва амалиёт номли илмий, масофавий, онлайн конференция, 2022 йил, №6 -Б.21-26. <https://doi.org/10.5281/zenodo.6798112>.